2011 йил 28 апрель, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 83 (11.894) Баҳоси эркин нархда

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Кеча пойтахтимизда «BANK-EXPO-2011» банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси иш бошлади.**



Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, республикамизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш, ривожланишнинг устувор йўналишларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва бу борадаги мажмуавий дастурларни амалга оширишда банк соҳасининг ўрни алоҳидадир. Мамлакатимизда ушбу тизим ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Айни кунларда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

### ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

**Мамлакатимизда ўтганларни хотирлаш, уларнинг хайрли ишларини ёдга олиш, орамизда яшаётган ёши улуғ отахону онахонларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳамда турмуш фаровонлигини янада юксалтириш масалалари доимий эътиборда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юртимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши бу борадаги хайрли ишларнинг амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, жойларда Хотира ва қадрлаш кунини муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда, турли маърифий-бадиий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Пойтахтимиздаги Хотира майдонида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлганларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, Хотира майдони ва Мотамсаро она ҳайкалини зиёрат қилдилар.

– Юртбошимиз ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан омон қайтган биз, уруш қатнашчилари ва ногиронларига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Олмазор туманида яшовчи Аминжон Алимов. – Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантиришга доир куни кеча қабул қилинган фармони, кўнглимизни яна тоғдек кўтарди. Бу ҳужжат давлатимиз раҳбари томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Бундай моддий ва маънавий рағбат бизга тетиклик ва қувват бағишлайди. Зеро, тинч ва осойишта фаровон замонда, бахтиёр фарзандларимиз қуршовида давлатимиз ғамхўрлигини, халқимизнинг меҳрини ҳис этиб яшаш – катта бахт.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

**Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида «Мустақиллик – менинг тақдиримда» мавзусида тадбир ўтказилди.**

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари, университетнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирда буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг бой меросини ўрганиш халқимиз, айниқса ёшларимиз маънавий оламини бойитишда муҳим ўрин тутиши юзасидан Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Бу борада ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, Ватанга бўлган муҳаббатининг юксаклиги, юртимизда кечаётган ислоҳотлардан хабардорлиги йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар юзасидан батафсил маълумот берилди. Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқлиги ва бу борада уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш жамоатчилик вазифасига айланиши лозимлиги ёшларга уқтирилди.

Тадбир сўнгида саралаб олинган ҳуқуқ билимдонлари Адлия вазирлиги томонидан муносиб тақдирланди.

Тарғибот гуруҳининг ушбу йўналишдаги тадбирлари бошқа олий ўқув юртларида ҳам ўтказилиши белгиланган.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

## ЁШ СПОРТЧИЛАР ТЕРМИЗГА ЖЎНАБ КЕТДИ



**Тошкент шаҳри, пойтахт ва Фарғона водийси вилоятларининг терма жамоалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи ёшларининг «Баркамол авлод – 2011» спорт мусобақаларида иштирок этиш учун Термизга жўнаб кетди.**

Шу муносабат билан «Тошкент» темир йўл вокзалида ёш спортчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, спортни ривожлантириш, ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиададан иборат уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари соғлом авлодни, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– «Баркамол авлод – 2011» спорт мусобақаларига катта ҳаяжон билан йўл оляпмиз, – деди волейбол бўйича Тошкент вилояти терма жамоаси аъзоси, Чирчиқ академик лицейи ўқувчиси Умид Нурматов. – Мусобақага пухта ҳозирлик кўрдик, ниятимиз – ғалаба қозониш ва кўплаб дўстлар орттириш.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Тошкент Солиқ коллежида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Солиқ билимини ўрганамиз» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Ёшлик» спорт мажмуасида Истиқлолнинг 20 йиллигига бағишланган «Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори» шиори остида ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича финал беллашувлари ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда «Мустақиллик менинг тақдиримда» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари» мавзуида амалий семинар ўтказилди.**

**• Кеча пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоатчилик бирлашмаси ҳамда «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси ҳамкорлигида хайрия форум-марафони бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон миллий матбуот марказида аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбир Касаба уюшмалари федерацияси ва Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилди.**

**• Чирчиқ шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳолига тегишли давлат хизмати кўрсатишни таъминлаш мақсадида «Ягона ойна» марказининг интерфаол хизматлари йўлга қўйилди.**

**• Гулистон шаҳрида «Ҳуқуқ билимдонлари — 2011» республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.**

**• Урганчда «Кимё ва кимё технологиясининг долзарб муаммолари» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлди.**

### ЖАҲОНДА

**• Швейцария жанубида кучли ўрмон ёнғини давом этмоқда. Висп шаҳарчасидаги ёнилғи қуйиш шохобчасида ёнғин содир бўлди. Ундан чиққан ўт тушиб ўрмон аланга олди ва бутун Вале вилояти ёнғин ичида қолди. Ўт ўчирувчилар ва ҳарбийлар аҳолини кўчириш билан банд. Польша жанубида эса кучли бўрон бўлмоқда, бу ерда гольф коптоги ҳажмида дўл ёғди. Аҳоли уй-жойлари, маъмурий бинолар ва машиналар жиддий зарар кўрди. Маҳаллий шифохоналар дўлдан жароҳат олган кишилар билан лиқ тўла.**

**• Германиянинг Геттинген округида Иккинчи жаҳон урушида ташланган авиабомба бор экан. Ўз вақтида портламай қолган бомбани зарарсизлантириш олдидан 12 минг киши хавфсиз жойга кўчирилди. Мазкур бомба Британия ҳарбий ҳаво кучлари томонидан ташланган, аммо портламай қолган. Кейинчалик ўша ҳудудда замонавий уй-жойлар қад кўтарган. Бомба аниқлангач, зарар етиши мумкин бўлган радиусдаги аҳоли хавфсиз ҳудудга кўчирилди.**

**• Бир гуруҳ қўпорувчилар Мисрнинг Синай ярим ороли шимолидаги газ қувурини портлатиб юборган. Газ қувури Миср ёнилғисини Исроил билан Иорданияга етказиб беради. Портлаш оқибатида қувур жиддий зарарланган. Ҳозир у таъмирланмоқда.**

**• Япониялик мутахассислар янги тиш чўткасини тайёрлашди. Ундан фойдаланишда паста талаб этилмайди. Ҳозир тиш чўткасидаги нана минераллар таркиби ва уларга ишлов бериш сир тутилмоқда.**

**Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида жаҳон иқтисодиётидаги бугунги вазият, молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида тўхталиб, бу жараёнда миллий иқтисодий тараққиёт моделининг устувор йўналишларини белгилаб берди.**

### Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама, чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурининг изчил амалга оширилиши глобал инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан иқтисодиётни ривожлантиришнинг «ўзбек модели» юксак баҳоланиб, бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши эътироф этилмоқда.

Пойтахтимизда Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисодиёт институти томонидан ташкил этилган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари, асосий сабоқлари ва миллий иқтисодиётлар ривожланишига таъсири» мавзуидаги республика илмий-амалий конференциясида шулар хусусида сўз юритилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, иқтисодчи олимлар, мутахассислар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Қонунчилик палатаси депутати А.Аҳадов, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори Н.Тўхлиев, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори ўринбосари О.Отамирзаев ва бошқалар глобал миқёсда кўплаб долзарб муаммоларни келтириб чиқарган жаҳон молиявий инқирози шароитида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш, банк тизими барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш имконини бермоқда. Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, мазкур соҳа учун кенг шарт-шароит ва имкониятларни яратиш молиявий инқироз шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Конференцияда мамлакатлар ва минтақаларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви муаммолари, миллий иқтисодиётлар ривожи, ахборот-коммуникация технологиялари тараққиётининг истиқболлари йўналишларида муҳокамалар бўлиб ўтди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий усуллари, демографик жараёнлар ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид маърузалар тингланди.

**(ЎзА)**

# МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР




*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Молия-банк тизимини ривожлантириш аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий омили. Кўргазмада намойишга қўйилган банк технологияларининг замонавий авлоди, янги ускуналар, ахборот-технологияларининг қўлланилиши ва мижозларга намунали хизмат кўрсатиш билан яқиндан танишган ташриф буюрувчилар бунга ишонч ҳосил қилишди. Халқаро кўрикда маҳаллий банклар ҳамда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларининг соҳа вакиллари, кўплаб молия ташкилотлари, суғурта компаниялари, пул ўтказмалари тизимлари, мобиль алоқа, қўриқлаш хизматлари иштирок этаётганлиги унинг мавқеини янада оширди. Кейинги йилларда нақд пулсиз хисоб-китоблар тизимидаги пластик карточкалар дизайни, улар орқали тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган дастурлаштирилган анжомлар билан яқиндан танишиш имконияти кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, республикамиз молия-банк тизими халқаро даражада ҳам эътироф этилган. Бугунги кунда 15 та тижорат банки турли халқаро рейтинг даражасига эга. Аҳолининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича анъанавий ўтказиб келинаётган танловда 2010 йилда 31 та — республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари, уларнинг 810 та филиали ва тўрт мингга яқин мини банклари фаол қатнашди. Қайд этилган — аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки номинациясида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки ва «Микрокредитбанк» номлари биринчилар қаторида қайд қилинди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда банклар фаолиятининг давлат даражасида қўллаб-қувватланиши, ўз навбатида иқтисодиётнинг реал сектори барқарорлашишига ҳамда аҳолининг турмуш даражаси юксалишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Марказий банк маълумотига кўра, капиталлашув даражаси ва ресурс негизининг янада мустаҳкамланиши боис банк тизимининг ўтган йили 28,1 фоизга ўсиши таъминланди.

Кўргазма доирасида турли илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Ташкилотчилар таъкидлаганидек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бундай нуфузли тадбир ўтказилиши молия-банк тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**Айни пайтда мен Хитойнинг Дальян университетида грант асосида таҳсил олмоқдаман. Ўз олдимга хитой тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва қадриятларини пухта ўрганишни мақсад қилиб қўйганман. Университетда маҳаллий ёшлардан ташқари, дунёнинг турли мамлакатларидан келган юзлаб йигит-қизлар таҳсил олишади.**

### Дил изҳори

# МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

Асосий вақтимиз университетда ўтса-да, бўш пайтларда ёнма-ён билим олаётган тенгдошларимиз билан суҳбатлашамиз, фикр алмашамиз. Ҳамма ўз юрти, халқларининг урф-одатлари ҳақида тўлқинланиб гапиради.

Яқинда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга қилган расмий ташрифи кунларида маҳаллий телевидение ва бошқа оммавий ахборот нашрлари жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон ҳақида туркум кўрсатувлар намойиш қилди, мақолалар чоп этди. Айнан шу кунларда мендан бахтиёр киши йўқдек эди дунёда гўё.

Атрофимдаги дугоналарим, курсдошларим Юртбошимизнинг Хитойга ташрифи билан қутлашди. Улар оммавий ахборот воситалари орқали билганларидан ташқари, Ўзбекистон ҳақида ўзларини қизиқтирган бошқа саволлар билан менга мурожаат қилишди.

Шу лаҳзаларда дўстларимга менинг Ватанимда, жонажон юртимда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликлар ҳақида тўлқинланиб гапириб берар эканман, яна бир бор Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрландим.

**Нигина РАСУЛЕВА,**
**Дальян университети талабаси**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасида «Парламентаризм ва кўппартиявийлик – демократик тамойиллар асоси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессорлари ҳамда божхона ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда сўз олган сиёсий фанлар доктори Муқимжон Қирғизбоев мамлакатимизда замонавий парламентаризмни ривожлантириш мамлакатни янада демократлаштириш ва модернизациялаш борасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини таъкидлар экан, бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлил ҳам қилиб ўтди.

Икки палатали парламентнинг яратилиши, сиёсий партиялар ролини оширишга оид қонуннинг қабул қилиниши, уларнинг фракциялари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши сиёсий партиялар ва парламентни кучайтириш йўлидаги амалий қадамлар сифатида юқори баҳоланаётгани эътироф этилди.

Тадбирда сиёсий партиялар, уларнинг парламент фракциялари ўртасида фикрлар хилма-хиллиги, рақобатнинг ривожланишида Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун муҳим омил бўлаётганлиги қайд этилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбир якунида сиёсатшунос олимларга «Ўзбекистон божхона хизмати» китоби совға қилинди.

**«Туркистон-пресс»**

### Ҳуқуқий демократик давлат сари

# ЁШЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

**Жамиятимизнинг келажаги болалардир. Шунинг учун биз келажак авлоднинг ўсиб-улғайишига масъулмиз. Фарзандларимизни ёшликдан таълим-тарбияли, меҳр-оқибатли, соғлом, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишимиз керак.**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ратификация қилинган илк халқаро ҳужжатлардан бири, бу «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция бўлди. 1992 йилда Конвенцияга қўшилгач, Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги қарори асосида «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир.

«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 4 боб, 32 та моддадан иборат бўлиб, унда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида миллий қонунчиликка асосланиб катта ишлар олиб борилди.

Бу қонунга кўра бола дунёга келиши билан инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади ва улар давлат томонидан кафолатланади.

Қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга мўлжалланган қўшимча кафолатлар, уларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқлари, оила муҳитига бўлган ҳуқуқлари, турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатланади. Бу қонунга мувофиқ ногирон, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари, уларни ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминлаш, давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, шунингдек, ўз уйларида парвариш қилиш ҳуқуқларининг амалга оширилиши орқали таъмин этилади.

«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда бола ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича қуйидаги имкониятларни яратади: биринчидан, миллий қонунчиликни бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан мувофиқ ҳолга келтириб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига мослигини таъминлайди, иккинчидан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини аниқлаштириш ва ишлаб чиқиш, тегишли дастурлар тузиш, шунингдек, давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини баҳолаш учун ҳуқуқий асос («Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий меъёрлар қоидалари билан биргаликда) яратди, учинчидан, давлат ва нодавлат органларининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини, ваколатларини ва ўзаро фаолиятини аниқлаштирди, тўртинчидан, бола ҳуқуқлари ҳимояси механизмининг амалий натижа беришини таъминлайди, бешинчидан, бола ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг келгусидаги ривожи учун асос яратади.

**Зилола ЮЛДАШЕВА,**
**ҳуқуқшунос**

### Иқтисодиёт

# ЯНГИ ЖИҲОЗ КЕЛТИРИЛАДИ

**Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг ўрни беқиёс.**

Уларнинг қуввати билан малакали кадрларни жалб этган ҳолда янги лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, юқори сифатини таъминлаш имконияти туғилади. Буни тажрибада синаган «Дилайт» қўшма корхонаси жамоаси жорий йилда Хитойдан яна бир янги дастгоҳ келтиришни режалаб турибдики, бу маҳсулотнинг бозорбоп турларини ишлаб чиқаришда қўл келиши, шубҳасиз.

Ҳозирги кунда корхонада замонавий ускуналар қуввати билан 20 турдаги қандил, тўрт хилдаги ёритгич тайёрланмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос дизайни билан ажралиб туради. Моҳир дизайнчилар буюртмачи талаб ва таклифларини ўрганишади. Бино ва иншоотларнинг хизмат кўрсатиш фаолиятидан келиб чиқиб, янги маҳсулот турларини яратишади.

Корхона 2009 йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритмоқда. Бу, маҳсулотлар сифати, таннархида ўз аксини топмоқда. Меҳнат қилаётган 40 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар учун яратилган қулай шарт-шароитлар иш унумини таъминламоқда.

Ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга эътибор қаратган тадбиркорлар ҳозирда янги лойиҳалар устида изланишмоқда. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши эса буюртмачилар сафининг янада ортишига хизмат қилади.

# АҲОЛИ ДАСТУРХОНИ ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

**Аҳоли дастурхонини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, уларнинг рақобатбардош турларини кўпайтиришда илғор технологияларни қўллаётган тадбиркор жамоаларнинг муносиб ҳиссаси бор.**

Бу, албатта мустақил мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар яратиш самарасидир.

— Бундай эътибор биз учун ҳам ўз ниятимизни амалга оширишда қўл келди, — дейди «Ravnaq Baraka Savdo» масъулияти чекланган жамияти директори Саидкамол Муродов. — Ўтган йилда имкониятларимизни чамалаб чиқиб, кичик цех ташкил этдик ва уни Польша ҳамда Россиянинг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозладик. Сўнгра 8 нафар ходимни ишга жалб этган ҳолда маҳаллий хом ашё — гўштни қайта ишлаш асосида колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқара бошладик. Уларни шартнома асосида савдо шохобчалари орқали аҳоли дастурхонига тортиқ этаяпмиз. Хом ашё ва тайёрланаётган маҳсулот сифатига қаратаётган эътиборимиз харидорларимизни мамнун этмоқда. Албатта, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун яратилган ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланамиз.

Қисқа давр мобайнида маҳсулот турлари 15 хилга етди. Уни қадоқлашда харидор талаб ва эҳтиёжи ҳисобга олинмоқда. Жорий йил охиригача янги маҳсулот турларини аҳоли дастурхонига тортиқ этиш режалаштирилган.

# ИҚТИДОРЛИ ШОГИРД

**Халқ амалий ҳунармандчилигинни ривожлантиришда, иқтидорли ёшларга ҳунар сирларини мукаммал ўргатишда, шу асосда қўли гул усталар маҳоратини намойиш этишда «Уста-шогирд» мактабининг ўзига хос ўрни бор.**

Ботир ва Баҳодир Мавлоновлар ҳам уста кўрган шогирдлар сирасига киради. Шу боис ҳам улар бугунги кунда ўзлари яратган ҳунармандчилик маҳсулотларининг бетакрор ва ранг-баранг бўлишига эришмоқда.

— Моҳир ёғоч ўймакори Муҳаррам Иброҳимовадан ҳунар сирларини ўргандим, — дейди 6 йилдан буён мазкур йўналишда ўз иқтидорини намоён этаётган Баҳодир Мавлонов. — Шунингдек, акам Ботир Мавлоновнинг ҳам ўгит ва йўл-йўриқларига амал қиламан. Асосий мақсадим ёғоч ўймакорлиги, шунинг баробарида миллий ҳунармандчилик ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиш, унинг ижодий равнақи йўлида изланишдир.

Ёшлигидан расм чизишга қизиққан Баҳодир тўгаракларга фаол қатнади, устозлардан сабоқ олди. Ҳозирда «Бароқхон» мадрасасида фаолият кўрсатмоқда. У ясаган турли ёғоч ўймакорлиги буюмлари, яъни ёғочни қайта ишлаш, безак бериш, оддий ускуналар ёрдамида мўъжизалар яратиш асносида тайёрланаётган эшик, стул, курси, лавҳ, қутича, қаламдонлар ўзига хос ранг-баранг нақш ҳамда гуллари билан фусункорлик касб этади. Ёш уста Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини ўзининг муносиб совғалари билан кутиб олиш ниятида. Ака-ука ўймакор ҳунармандлар миллий услубда яратилган юмшоқ мебелларга ўйма гуллар асосида ишлов беришни режалаштиришган.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

